

Геологик ва гидрологик хусусиятлар:

Подшаотасой дарёсининг суви асосан Чотқол тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларидан, бевосита катта бўлмаган қисми унинг юқори (гребн) қисмидан, яъни ўртача 4000 м баландликларидан йиғилади. Ушбу ҳудудда тоғ чўққисининг сатҳи 4300 м дан баландроқдир. Подшаотасой водийсида Заркент ва Нанай қишлоқлари мавжуд. Подшаотасой Папай қуйилиш қисмида тоғдан чиқиб Қорабали кенг тоғоралиқ водийсида ўзининг биринчи конуси бошланади ва унинг водийсини кесиб ўтади, конус тепаликлари 5-15 м га чуқурлашади. Ҳудуд геоназорат ҳисобот таҳлилида тўртта муҳандис-геологик элементларга (комплекслар) ажратган.

Биринчи: Қорақорумсойнинг қуруқ ўзанининг кенлиги 50-100 м ни, водийси марказида 300 м гачани ташкил этади. Унинг грунги 20-30 м қалинликдаги қум-лоё грунтли хар хил катталиқдаги тўртламчи тошқотишмалардан иборат, тагида эса қалинлиги 40 м гача бўлган шағалли қалин ва қаттиқ бўлган кумок-тупроқдан иборат. Пастроқда, яъни 140 м чуқурликда эса карбон охактошдан иборат қатлам жойлашган.

Иккинчи: Сойнинг сув босадиган қайири (пойма), тўғоннинг пойдевори ва сув омборининг ўзани 10-25 м чуқурликгача кумок тупроқдан иборат бўлиб унинг остидан қалинлиги 50 м гача бўлган қаттиқ кумок тупроқлар мавжуддир.

Учинчи: Ўзан чети ва қоялари карбон охактошли қаттиқ жинслардан иборат бўлиб, унинг чуқурлиги 50 м гача қоя кўринишида очиқликда ястаниб ётади. Тўғоннинг чап қирғоғи бирикган жойида қадимдан пайдо бўлган тектоник ёриқ мавжуд.

Тўртинчи: Ушбу ер ости қисми қалинлиги 30 м бўлган охактош харсанг уюмларидан иборат бўлиб, водийнинг чап қирғоғида “тишчалар” кўринишида тошқотишмалар билан, ўнг қирғоғида эса сарик (соз) кумок тупроқ билан бирикган